

**ШАРТНОМА № Ф- 5.**  
(Махсулот-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

« 11 » январь 2022 йил

Фаргона ш.

«КО`MIR TA`MINOT»МЧЖ Фаргона вилоят филиали раҳбари С.Умаров бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан Фаргона вилоят мактабгача таълим бошқармаси номидан раҳбар Ю.М.Хорамшабе, бундан буён «Харидор» деб юритилади, қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

**II. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини олади.

**II. ШАРТНОМА БАҲОСИ**

2.1.

т/р №	Махсулотнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи ҚҚС билан сўм/тн.	Жами (сўмда)
1	Кўмир 2БР	тонна	3 530	300300	1 060 059 000

Махсулотларнинг шартномавий умумий баҳоси – 1 060 059 000 (Бир миллиард олтмиш миллион эллик тўққиз минг) сўм 00 тийин.

**III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. «Харидор» махсулот учун етказиб берилган махсулотнинг 30% микдорида олдиндан пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади, махсулотни қабул қилган пайтдан бошлаб 10 кун ичида қолган 70% тўловни амалга оширади.

3.2. Махсулотларни «Сотувчи» нинг туманларда жойлашган омборлардан «Харидор» га берилади.

3.3. Кўмир ёқилғиси «Харидор» томонидан «Сотувчи» нинг омборидан ўз маблағлари ҳисобидан ташиб кетилади.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан Республикада иш ҳақининг ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг, шунингдек темирйул ва транспорт харажатларини ошиши кўмирни шартномавий нархини ошишига сабаб бўлади ва бу ҳолатда томонлар қўшимча келишув асосида олди-сотди ишларини амалга ошираверади, шунингдек куз-қиш мавсумини қай ҳолатда келиши қараб қўшимча кўмир махсулотлари олди-сотдисига ҳам қўшимча келишув асосида амалга оширилади;

3.5. Кўмирнинг чакана нархи 2019 йил 13 августи Молия Вазирлиги томонидан келишилиб тасдиқланган Баённомага асосан белгиланди. Аҳоли ва бюджет ташкилотлари учун кўмир ва кўмир махсулотларнинг чакана нархлари қайта декларация қилиниши билан шартноманинг 1 пунктидаги кўмирнинг чакана нархи қайтатдан белгиланади ҳамда шартноманинг суммаси қайта ҳисобланади.

**IV. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ**

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг махсулотни ушбу шартноманинг 9.3 бандида белгиланган давр охирига қадар етказиб беради.

5.1. Етказиб берилган махсулотнинг сифати ишлаб-чиқарувчининг белгиланган стандартларига мувофиқлик сертификати (илова қилинади) ва меъёрий ҳужжатлар асосида «Харидор» га етказилади. Сертификат шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га махсулотни омборхоналардан сотиш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- «Сотувчи» етказиб берилган махсулотларни ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш, шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномавий талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, махсулотни белгиланган тартибда қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда ёзма равишда 1 кун ичида «Сотувчи»ни далолатнома расмийлаштирилиб огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

**VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида, шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган холда махсулотни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,2% микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдорн кечиктирилган махсулотлар қийматининг 50% дан ошмаслиги керак. Лекин, Ангрен кумир конида табиий офат кучки ва бошқа кумирнинг казиб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар юзага келса, бу ҳақда «Харидор»га ёзма равишда кумир ёқилгиси етказиб бера олмаслиги маълум бўлган тақдирда «Сотувчи» пеня тўлашдан озод этилади ва «Харидор»томонидан ошқоча тўланган маблағ унинг талабига асосан қайтарилади.

7.3. «Харидор» олинган махсулот учун махсулот етказиб берилган кундан бошлаб 60 кундан сўнг, кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,2% микдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

**VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

**IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса ҳужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 202 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ дан 202 йил “31” декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланганидан сўнг қонуний кучга киради.

**X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ**

**«СОТУВЧИ»**

**«ХАРИДОР»**

“Кўмир таъминот”МЧЖ Фарғона вилоят филиали

х/р: 2020 8000 1047 9441  
 ТГРФ УзПСБ г.Ташкент  
 МФО 00424 ИНН 207 016 317  
 ОКПО: \_\_\_\_\_ ОКОНХ: \_\_\_\_\_  
 Тел: \_\_\_\_\_  
 Адрес: 110200 Ангрен ш. Истиклол 1 кўчаси

Раҳбар: С.Умаров

*Республика вилоятим  
 Мактобга тоъминот  
 Бошқармисини  
 Ферғона ш. Эгтикдор 5*

х/р 10002186304017091100251001  
 ОКПО 308150975  
 ОКОНХ 00066  
 МЧЖ «Кўмир таъминот» Бошқ. Тошк. сектор

Раҳбар: Ю.М. Хоржаев



**Ҳуқуқшунос қулосаси:** Мен ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, хар ҳолатда ташкилот ҳам давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, юридик шахс ҳисобланиб, ташкилот раҳбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга. Шартномада шартнома мазмуни, баҳоси, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда томонларнинг сўнгги кўрсатишлари тўлиқ кўрсатилган бўлиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим. Шунинг учун ушбу шартномани имзоласа булади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_